

УЎТ: 633.852.52;282.53

**СОЯНИ ЯНГИ НАВЛАРИНИ ТУРЛИ ҲИЛ ОЗИҚЛАНТИРИШ  
МАЙДОНИДА ЎСТИРИШНИ ЎСИМЛИКНИНГ БИОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИ**

**Маннопова М.**

қ.х.ф.н, доцент

Анджон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

**Абдулғаниева Д.**

Магистрант

Анджон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

**Абдуқодиров Х.**

Магистрант

Анджон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

**АННОТАТСИЯ**

Ушбу мақолада, соя ўсимлигида олиб борилган кузатув натижаларига кўра навларнинг озикланиш майдони ўзгариши ҳисобига морфологик ва биологик хусусиятлари турлича бўлиши оқибатида ўсимлик бўйи, дуккак узунлиги, дуккаклар сони, битта дуккакдаги дон сони, дон оғирлиги, 1000 дона дон вазни ва бошқа кўрсаткичларга таъсир этиши кузатилди.

**Калит сўзлар:** озикланиш майдони, кўчат қалинлиги, Тўмарис Ман-3, Мустақиллик-30, Х.Саттаров навлари, биометрик кўрсаткичлар, асосий поя баландлиги, дон оғирлиги, дуккаклар сони.

## КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Дуккакли экинлардан ҳисобланган соя ўсимлигининг бутун дунё деҳқончиликда кундан кунга экин майдонлари кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бутун дунёда оқсил тақчинлиги ҳукм сураётган бугунги кунда, соя донининг оқсилга бойлиги таркибида 36-55% оқсил сақлаши, оқсил таркибида инсон учун ўрин алмашилмайдиган аминокислаларнинг барчасини мавжудлиги, унинг таркибида ноёб биологик моддалар, лицитин, холин, А,В ва Е витаминлари ҳамда макро ва микро унсурлар, бошқа қимматли моддаларнинг борлиги, ундан олинадиган мой экологик жиҳатдан тоза эканлиги, озиқ-овқат ҳавфсизлиги ва инсон саломатлиги муаммосининг ягона ечими ҳисобланади. Ҳозирда юртимизда соя экинини экиб ўстиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2017-йил 24-июлдаги ПҚ-3144-сонли қарор билан ПҚ-2832-сонли қарорга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш , яъни “2017-2021 йиллар давомида республикада юқори ҳосилли соя навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, етиштириш ва майдонини кенгайтириш бўйича чора тадбирлар дастури” бўйича қарор [1] қабул қилинди.

Мавзунинг ўрганганлик даражаси: Ҳар бир ўсимлик ҳосилдорлигига турли ҳил омиллар таъсир кўрсатади, жумладан, экиш схемаси, озиқланиш майдони, экиш меъёри, экиш чуқурлиги ўсимликнинг дастлабки ривожланиш фазаларидан бошлаб ўз таъсирини кўрсатади.

Р. Сиддиқов, М. Манноповаларнинг таъкидлашича (2018) соя экиш учун 60см, 70см қатор орасига пушта олиниси ва гектарига соя навлари уруғларини йирик майдалигидан келиб чиқиб 50-70кг меъёрда сарфланиши , ҳар гектар майдонда ўртача 350-450 минг туп кўчат таъминланишига эришиш энг самарали ҳисобланади.[2]

Соя технологиясини асослаб берган атоқли олим В.Енкеннинг сўзларига кўра (1959) соя навлари хосилдорлигини белгиловчи омиллардан бири-экиш меъёри ҳисобланади.[3]

Қуйида соя навларини кўчат қалинлиги ўзгариши ҳисобига ҳосил структураси ўзгаришини кўриб чиқамиз.

**Соянинг янги навларида озиқланиш майдонини биометрик кўрсаткичларга таъсири**

№	Навнинг номи	Озиқланиш майдони см <sup>2</sup>	Ўсимликнинг асосий поясини баландлиги см	Пастки дуккакларнинг жойла-пиш баландлиги см	Шох-лар сони ўртача дона	Бир ўсимликдаги ўртача дуккак сони	1000 дона дон вази ўртача грам
1.	“ТўмарисМан-3”	30см <sup>2</sup>	94.8	17.0	3.8	52	148,0
2.	“ТўмарисМан-3”	24см <sup>2</sup>	102.6	17.5	3.2	58	136,0
3	“ТўмарисМан-3”	18см <sup>2</sup>	107.8	18.2	2.8	61	128,0
1.	Мустақиллик 30”	30см <sup>2</sup>	113.4	20.1	4	63	166,0
2.	Мустақиллик 30”	24см <sup>2</sup>	118.6	21.0	3.5	79	160,0
3.	Мустақиллик 30”	18см <sup>2</sup>	146.9	21.2	3,4	75	156,0
1.	“Саттаров Х.С”	30см <sup>2</sup>	102.2	15.6	3.8	55	160,0
2.	“Саттаров Х.С”	24см <sup>2</sup>	123.8	22.4	3.5	56.8	158,0
3.	“Саттаров Х.С”	18см <sup>2</sup>	131.7	24.2	3.4	51.2	150,0

Тажриба даласига соя уруғлари 3 хил кўчат қалинлиги асосида, яъни жадвалда келтирилган 330000, 416000, 550000 туп гектар қилиб экилди. Бунда 330000 туп назарий кўчат экилганда, озиқланиш майдони 300 см<sup>2</sup>, 416000 туп назарий кўчат экилганда эса 240см<sup>2</sup>, 550000 туп назарий кўчат экилганда, озиқланиш майдони 180 см<sup>2</sup> бўлди.

“Тўмарис Ман-3” навининг асосий поясининг ўртача баландлиги 110-115 см, 1-дуккакларнинг жойлашиш ўрни 17см, Шохлар сони 3-4та, Дуккаклар сони 41.2 та, дон сони 3та, дуккак узунлиги 3,7см, 1000дона дон вазни 150 г.

“Мустақиллик – 30” . навининг асосий поясининг ўртача баландлиги 112-120 см, 1-дуккакларнинг жойлашиш ўрни 24см, шохлар сони 4та, дуккаклар сони 46.6 та, дон сони 3та, дуккак узунлиги 4,5см, 1000дона дон вазни 160 г.

“Х.С.Саттаров” навининг асосий поясининг ўртача баландлиги 123.8 см, 1-дуккакларнинг жойлашиш ўрни 25.4см, Шохлар сони 3.5та, дуккаклар сони 53.4та, дон сони 3та, дуккак узунлиги 4см, 1000дона дон вазни 160 г.

### **ХУЛОСА**

Озиқланиш майдонини ўзгариши ҳисобига ўсимликларнинг бўйи, гуллаши, доннинг технологик ва сифат кўрсаткичларига таъсир қилди. Кўчат қалинлиги сийрак бўлган вариантларнинг асосий поя баландлиги калтароқ ва йўғон, аксинча ҳолатда эса поя баландлиги узун ва ингичка, баъзиларида эса ётиб қолишга мойил бўлди.

Кўчат қалинлиги сийрак бўлган вариантларнинг донлари йирикроқ, қалин бўлган вариантларда эса майдароқ бўлди.

“Мустақиллик-30” ва “ Хабибулла Саттаров” навлари индотерминант навлар эканлиги маълум бўлди.

### **Фойдаланилган адабиётлар: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “2017-2021-йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2832-сонли қарори.
2. “2017-2021 йиллар давомида республикада юқори ҳосилли соя навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, етиштириш ва майдонини кенгайтириш бўйича чора тадбирлар дастури”
3. В.Енкен „Соя” 1959. Москва -622-с.